

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b> Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b> Исҳоқхон Ибрат: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ. Худоймуродова</b> “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Ғозиева</b> Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Исҳоқхон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b> Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b> Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b> Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b> Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b> Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b> Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b> Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b> Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b> Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b> Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b> Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов</b> Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
<b>Г.Икромова</b> Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

УДК: 41

## ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ТИЛЛАРИ ЛЕКСИКАСИДА МАКОН СЕМАЛИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Б.Қурбонова, З.Каримова

**Аннотация**

Мақолада ўзбек ва қирғиз тилларидаги макон семали лексемаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритилган.

**Аннотация**

В статье освещены схожие и отличительные черты лексем с семой «пространство» в узбекском и киргизском языках.

**Annotation**

The given article describes similar and distinctive features of lexemes with seme "space" in Uzbek and Kyrgyz languages.

**Таянч сўз ва иборалар:** сема, лексема, лингвистик майдон, архисема, локал лексема.

**Ключевые слова и выражения:** сема, лексема, лингвистическое поле, архисема, локальная лексема.

**Key words and expressions:** seme, lexeme, linguistic field, archiseme, local lexeme.

Туркий тилларнинг генетик ва тил хусусиятлари жиҳатдан ўзаро муносабати масаласи қадимдан олимларнинг диққатини тортиб келган. Бугунги кунда тилшунослиқда турли тил оилаларига мансуб бўлган тилларни қиёсий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тилларни қиёсан ўрганиш ҳар икки тил лексикасидаги ўзига хосликларни аниқлашда катта ёрдам беради. Масалан, туркий тилларга мансуб ўзбек ва қирғиз тилларида қўлланиладиган макон семали лексемаларни аниқлаш, улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни таҳлил этиш бу икки тил лексикасининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади.

Лингвистик майдонлар ичида макон майдони ўз ифода имкониятларининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, макон лексик сатҳда ўзининг ранг–баранг ифодасига эга. Ўзбек тилидаги макон маъносини ифода этувчи лексемаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- умумий “макон” семали лексемалар;
- “яшаш” архисемали локал лексемалар;
- географик ландшафт номлари;
- корхона, муассаса номларини англатувчи локал бирликлар;
- “ўсимлик” семали локал лексемалар;
- диний эътиқод белгиси билан фарқланган локал бирликлар;
- ҳарбий ва спортга оид локал бирликлар ва бошқалар.[1.35]

Ўзбек тилида “макон” семали лексемалар учун хос бўлган семалар таркибида маълум томонлари билан ўзаро зидланувчи семалар мавжуд, уларга хос зидланиш белгилари турлича семаларни намоён қилади.

Дастлабки бўлинишда “макон” семали бирликлар “умумийлик” ва “хусусийлик”

белгиларига кўра ажратилади. Бунда умумий “макон” семасидан ташқари, “яшаш”, “географик ном”, “ўсимлик” семали макон семали лексемалар “хусусийлик” белгиси орқали кўзга ташланади. Бу каби фарқланувчи белгиларни ифода этмайдиган макон ифодаловчи лексемалар “умумийлик” белгиси билан гавдаланади. Ушбу қатор бирликлар сирасига **ер, жой, ўрин, макон, ҳудуд, даргоҳ, фазо, кўк, осмон, фалак, дунё, жаҳон, олам, коинот, бўшлиқ** сингари лексемалар киради [2.36] Жумладан,

*Булутлар кўк кезар кунда пиёда*

*Уфққа офтоб ботар қизил гулхандай.*

*Армоним экансиз ёруғ дунёда,*

*Сизни ўйламасдан яшарман қандай?*

(М. Юсуф)

Келтирилган тўртликда **кўк, уфқ, дунё** лексемалари **макон** семаси орқали “умумийлик” касб этади.

*“Орадан икки кун ўтгач, Нўъмон қўшни қишлоқдаги Иброҳим сўфиникига хуфёна қатнайдиган бўлиб қолди.” (Луқмон Бўрихон. “Тун қаъридаги шуъла”)*

*“– Жувонмарг Зебинг қишлоққа бориб, ашулани тоза қўйганга ўхшайди. Қишлоқ одамларидан кўп нарсани эшитдим... Аммо-лекин тутиб олиб ўлдирсам озлик қилади жувонмаргингни!” (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”)*

Келтирилган мисолларда қишлоқ лексемаси ҳам “макон” семасига эга.

*“Сарғиш ранга бўялган бу икки қаватли қадимий уй айланма хиёбон ёқасида, атрофи чўян панжара билан ўралган, дарахтлари мажмагил боғ этагида жойлашган эди”,*

Б.Қурбонова – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент,  
З.Каримова – ФарДУ, филология факультети талабаси.

(Михаил Булгаков. “Уста ва Маргарита”).

Юқорида келтирилган мисолда **уй**, **хуёбон** ва **боғ** лексемалари макон маъносида қўлланилган бўлиб, **ёқа** ва **этак** лексемалари ҳам ўрин – жой маъносини ифодалайдиган бирликлар ҳисобланади.

Туркий тилларни бир тил оиласига бирлаштирувчи ва бошқа тил оилаларидан фарқловчи хусусиятларидан бири лексик

таркибининг бир-бирига жуда яқинлиги ва грамматик қурилишининг ўхшашлигидир. Шунинг учун туркий халқ вакиллари ўз она тилларида гаплашганларида, бир-бирларини муайян даражада тушуна оладилар. Масалан, қирғиз тилида ҳам худди ўзбек тилидаги каби макон маъносини ифодаловчи лексемалар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ўзбек тилида ҳам ўз эквивалентига эга:

Ўзбек тилида	Қирғиз тилида
Ўлка	Өлкө
Макон	Мекен
Қишлоқ	Айыл
Уй	Үй
Ошхона	Ашкана
Шаҳар	Шаар
Мактаб	Мектеп
Кўча	Көчө
Экинзор	Эгинзар
Қир-адир	Кыр – адыр
Дала	Талаа
Вилоят	Облуз
Туман	Район
Тоғ	Тоо

Жумладан, **облузтар**, **райондор**, **шаарлар** ортосунда **республика** вазидин “O’zko’rgazmasavdo” **комплекс**инде аукцион болуб өттү.

Юқоридаги гапда **республика**, **область**, **район**, **шаҳар**, **комплекс** лексемалари макон маъносига эга. Ушбу жой маъноларини ифодаловчи лексемалар таркибидаги **комплекс** лексемаси бир бутунни ташкил қилган нарсалар, ҳодисалар, белги-хусусиятлар мажмуи [3.394] га нисбатан қўлланилган бўлиб, “O’zko’rgazmasavdo” комплекси бирикмасида маконга ишора сезилиб турибди.

Мисол учун, “Биз **айыл**да жашайбиз. Биздин **уй** эки кабаттуу. Уйүбүздүн биринчи кабатында **ашкана**, коридор жана чоң зал бар. Бул **бөлмө**дө үй- бүлөбүз менен эс алабыз, чогуу кино көрөбүз.

Келтирилган гапда **айыл**, **уй**, **ашкана**, **коридор**, **зал**, **бөлмө** лексемаларимакон семалилексемалар ҳисобланиб, **коридор**, **зал** маконсемали лексемалари рус тилидан ўзлашган ўзлашма лексемалардир. Бундан кўринадики, қирғиз тилида рус тилидан ўзлашган

ўзлашма лексемалар анча қисмини ташкил этади. Ёки,

1. “Ақыл айга жеткирет, өнөр **көккө** жеткирет.”

2. “Туулган **жер**дин топурагы – алтын”.

Юқорида келтирилган мисоллар таркибидаги **көк** ва **жер** лексемалари ҳам ўрин – жой маъносига эга.

Бундан ташқари, қуйидаги гап таркибида қўлланилган **макон**, **жер**, **экинзор**, **ўлка**, **талаа**, **кыр – адыр**, **тоо** лексемалари ҳам ўрин-жой маъносини ифодалаган.

**Мекен** туулган **жер**ден башталат. **Мекени**биз көркөм өрөөндөргө, жемештери миң **дартка** дабаа болучуу **эгинзарлар** жана **бактарга**, сууларга бай **өлкө**. Мекенге болгон сүйүү анын **талаалары**, **кыр – адырлары**, **тоолоруна** болгон сүйүүдөн башталат.

Демак, қирғиз тилида ҳам макон семали лексемалар талайгина. Айрим ўрин-жой маъносини ифода этган лексемалар ўзбек тилида қўлланиладиган макон семали лексемалар билан айнан бир хил қўлланилади. Қирғиз тили лексикасини ўрганар эканмиз, бу тилда ҳам макон семали лексемаларни кўплаб учратиш мумкинлигига гувоҳ бўламиз.

#### Адабиётлар:

1. Қурбонова Б. Тил сатҳларида локалликнинг ифодаланиши. – Фарғона, 2009.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -том. – М.: Рус тили, 1981.
3. Усаналиев С., Дустов Н., Кабулов А., Хамидов А. Қирғиз тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т., 2017.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)